БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 55 (802)

17 МАРТ ЯКШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛДИРАДИКИ, ОКТЯБРНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗИШ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ҲАММА ХАЛҚЛАРНИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҲУКУМАТИ ТЕВАРАГИДА ТАҒИН ҲАМ ЗИЧРОҚ ЖИПСЛАШТИРАДИ, ИШЧИЛАР СИНФИ БИЛАН КОЛХОЗЧИ ДЕҲҚОНЛАРНИНГ БУЗИЛМАС ИТТИФОҚИНИ, СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИНИ ТАҒИН ҲАМ КЎПРОҚ МУСТАҲКАМЛАЙДИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ БАРЧА МАМЛАКАТ МЕҲНАТКАШЛАРИ БИЛАН ИНТЕРНАЦИОНАЛ АЛОҚАЛАРИНИ МАҲКАМЛАЙДИ ҲАМДА КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА МИЛЛИОН-МИЛЛИОН МЕҲНАТКАШЛАР ОММАСИНИНГ ИЖОДИЙ ТАШАББУСИ ВА АКТИВЛИГИНИ ЯНАДА ЮҚОРИ КЎТАРАДИ.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик тўғрисида

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1957 йил еттинчи ноябрда инсоният тарихида янги давр очган — капитализмнинг барбод бўлиш ва янги, социалистик жамиятнинг қарор топиш даврини очган Улуғ Октябрь социалистик революциясига қирқ йил тўлади.

Октябрь Социалистик революцияси улуғ Ленин бошчилигида Коммунистик партия раҳбарлиги остида амалга оширилган эди. У помешчиклар ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлаб, мамлакатимизда ишчилар синфининг сиёсий ҳукмронлигини, пролетариат диктатурасини, Совет ҳокимиятини—демократиянинг олий формасини, жуда кенг халқ оммаси учун демократияни ўрнатди. Тарихда биринчи марта халқ ўз мамлакатининг хўжайини бўлиб қолди: фабрикалар, заводлар ва темир йўллар, ер ва унинг бойликлари меҳнаткашларнинг мулки бўлиб қолди.

Ўтмишдаги барча революцияларда эксплуатациянинг бир формаси эксплуатациянинг бошқа бир формаси билан, бир эксплуататор синфнинг ҳукмронлиги иккинчи эксплуататор синф ҳукмронлиги билан алмашинар эди. Октябрь революцияси СССРда кишининг киши томонидан ҳар қандай эксплуатация қилинишини ҳамда миллий зулм ва миллий тенгсизликнинг ҳамма формаларини йўқотишга олиб келди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси экономикада, жамиятнинг синфий тузилишида, миллий муносабатларда, халқларнинг сиёсий ва маданий ҳаётида ғоят чуқур тубли ўзгариш бўлганлигидан дарак берди.

Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизни иқтисодий ва миллий ҳалокатдан қутқазди, уни империалистик йиртқичлар томонидан бўлиниб кетиш ва асоратга солиниш хавфидан халос қилди. Октябрь социалистик революцияси тинчлик эълон қилиб ва барча халқларга қонли империалистик урушдан чиқиш йўлини кўрсатиб, В. И. Ленин айтган «ўн миллионлаб кишиларнинг ҳаёт ва мамот масаласини» ҳал қилди. Бу улуғ халқ революцияси ишчи ва деҳқонларнинг урушга қарши, халқлар ўртасида тинчлик учун олиб борган энг дадил, энг фидокорона кураш намунасидир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси марксизм-ленинизмнинг ғолибона байроғи остида амалга оширилди. Бу революция буржуазия идеологиясига, ишчилар ҳаракати ичидаги оппортунизм ва реформизм идеологиясига, социал-шовинизмга ва реакцион миллатчиликка жуда зўр зарба берди; бу революция пролетар интернационализми улуғ принципларини амалга оширди, барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг онгига революционлаштирувчи таъсир ўтказди, жаҳон ишчи ҳаракатини ва миллий-озодлик ҳаракатини янги босқичга кўтарди.

Октябрь социалистик революцияси Совет мамлакатидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши учун жуда кенг майдон очиб берди. Бу революция эски, ўз умрини тугатган тузум кучларига қарши курашда, янги, илғор жамият барпо этишда қаҳрамонлик муъжизаларини кўрсатган кенг халқ оммасини онгли тарихий ижодкорлик ишига қўзғотди.

Октябрь социалистик революцияси хотин-қизларни озод қилди, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда тўла тенгҳуқуқли бўлишини таъминлади, ижтимоий меҳнатда ва ёш бўғинни тарбиялашда актив қатнашмоқ учун хотин-қизларга кенг имконият очиб берди, оналарнинг иззат-ҳурматини юксак даражага кўтарди. Октябрь революцияси Совет мамлакатида яшаб турган ҳамма миллатларнинг ёшларига билимларни эгаллашмоқ, ишлаб чиқариш малакасига эга бўлмоқ, ижодий меҳнат қилмоқ, совет халқининг бахт-саодати ва шуҳрати йўлида, коммунизм йўлида ғайрат ва қаҳрамонликлар кўрсатмоқ учун кенг майдон очиб берди.

Уруш хонавайрон қилган, душман капиталистик давлатлар ҳамма томондан қуршаб олган қолоқ, аграр мамлакатда социализм қуриш осон иш бўлмади. Социализм қурилиши йўлида қийинчиликлар ва тўсқинликлар кўп эди. Аммо ленинчи Коммунистик партия руҳлантириб ва раҳбарлик қилиб турган мамлакатимизнинг қаҳрамон ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари, илғор интеллигенцияси шу қийинчиликлар ва тўсқинликлар олдида чекинмадилар, эксплуататор синфларга қарши, меньшивикларга, эсерларга, троцкийчиларга, бухаринчиларга, буржуа миллатчиларига қарши ва социализмнинг бошқа душманларига қарши шиддатли курашларда ўша қийинчиликларни ва тўсқинликларни енгишга муваффақ бўлдилар.

Совет халқи тарихан жуда қисқа муддат ичида мамлакатни социалистик индустриалштиришни амалга оширди, пролетар революциясининг ҳокимият қўлга олинганидан кейинги энг қийин вазифасини—қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш вазифасини ҳал қилди, маданий революцияни рўёбга чиқарди, эксплуататор синфларни тугатди, жаҳонда биринчи социалистик жамият қурди. Мана шу ғалабаларнинг ҳаммаси Совет ҳокимиятининг 40 йили мобайнида қўлга киритилди, шундан камида 18 йили граждан уруши ва иккинчи жаҳон уруши ҳамда ундан кейин халқ хўжалигини тиклаш даврлари билан ўтди.

Совет халқининг иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонган жаҳоншумул тарихий ғалабаси Совет Иттифоқи халқларинигина фашистлар асорати таҳликасидан қутқариб қолмай, бу таҳликадан бутун инсониятни ҳам қутқарди. Шу уруш давомида совет халқи, социализмнинг сиёсий ва иқтисодий системаси ҳамма синовлардан шараф билан ўтди, Совет давлати эса тағин ҳам мустаҳкам ва қудратли бўлиб қолди. Мана шуларнинг ҳаммаси социалистик тузумнинг ҳаётий кучи битмас-туганмас эканлигини кўрсатади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида жаҳоннинг қудратли индустриал давлатига, илғор техника ва фан мамлакатига айланди. 1957 йилга келиб СССР саноати революциядан олдинги вақтдагига нисбатан 30 баравардан зиёдроқ ўсди, бутун социалистик экономикани ривожлантиришнинг асоси бўлган оғир индустрия эса 50 баравардан зиёдроқ ўсди. Социалистик хўжаликнинг асоси бўлган қудратли социалистик индустрия барпо этилганлиги қаҳрамон ишчилар синфининг, халқ интеллигенциясининг, бутун совет халқининг мислсиз шижоати бўлди.

Октябрь социалистик революцияси ва қишлоқ хўжалигининг коллективлаштирилганлиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосларини, бутун деҳқонларнинг турмуш ва тирикчилигини тубдан ўзгартириб юборди. Қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида партия томонидан кейинги йилларда белгиланган тадбирларнинг муваффақият билан амалга оширилиши колхоз тузумининг ғоят зўр кучини, йирик, умумлаштирилган социалистик қишлоқ хўжалигининг афзаллигини қайта-қайта намойиш қилиб кўрсатди. Қишлоқ хўжалиги илғор техника билан таъминланганлиги, фан муваффақиятлари ва илғорларнинг тажрибалари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига кенг жорий қилинаётганлиги, кўп миллион гектарлаб қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганлиги дон етиштиришни анча кўпайтиришга ва чорвачиликни олға силжитишга имкон берди.

Мана шу иқтисодий муваффақиятларнинг ҳаммаси, мамлакатимизнинг ўтмишдаги қолоқ, ибтидоий техникадан биринчи даражали машина индустриясига, гигант гидроэлектростанцияларга, автоматикага, телемеханикага, атом энергиясидан фойдаланишга зўр куч билан сакраб ўтганлиги социалистик хўжалик системасининг жаҳоншумул тарихий афзалликларини яққол кўрсатиб турибди.

Октябрь социалистик революцияси СССРда яшаб турган ҳамма миллатларнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланиши учун, уларнинг давлат суверенитети қарор топиши ва шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг гуллаб яшнаши учун кенг майдон очиб берди. Халқларнинг ўтмишдаги тарқоқлиги ва улар ўртасидаги адоватлар ўрнига уларнинг улуғ дўстлиги, бирлиги ва бир-бирлари билан ўзаро ёрдамлашуви вужудга келди. Ленинча миллий сиёсат — барча халқлар ва миллатларнинг тенгҳуқуқлилиги, дўстлиги ва қардошлиги сиёсати тантана қилди.

Социализм учун курашда совет кишилари—ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция маънавий жиҳатдан ўсди, уларнинг онглилиги ошди, тарихнинг қаҳрамони ва яратувчиси, янги, социалистик ҳаётни бунёдга келтирувчи халқнинг қудратли ижодий кучлари тўла равишда намоён бўлди.

Тарихда биринчи марта ўлароқ СССРда ишсизлик ва қашшоқлик тугатилди. Меҳнат унумдорлиги ошиб бораётганлиги, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши юксалиб бораётганлиги билан бирликда миллий даромад ўсмоқда, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражаси ошмоқда. Революцияга қадар аҳолисининг (9 ёшда бўлган ва ундан катта кишиларнинг) 76 процанти саводсиз бўлган мамлакатда эндиликда ҳамма жойда етти йиллик умумий таълим амалга оширилди, ўн йиллик умумий таълимга ўтиш бошланди. Иттифоқчи республикаларнинг ҳаммасида кўп сонли халқ интеллигенцияси ўсиб етишди ва у совет фанини, техникасини, маданиятини дадиллик билан тараққий эттирмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қилганлиги ва Совет мамлакатида социалистик тузум қарор топганлиги тарихий тараққиётнинг бутун боришига ҳал қилувчи таъсир ўтказди. Европада ва Осиёда жуда кучли пролетар ва миллий-озодлик ҳаракати авж олиб кетди. Совет Иттифоқининг ҳал қилувчи хизмати сабабли иккинчи жаҳон урушида фашист кучлар тор-мор келтирилганлиги революцион пролетар ва миллий-озодлик ҳаракатини тағин ҳам кўпроқ кучайтириб юборди. Осиё ва Африка мамлакатларида асрлардан бери мустамлака қуллиги асорати остида азоб тортиб келган юз миллионлаб кишилар актив сиёсий турмуш учун уйғондилар. Зафарли миллий-озодлик ҳаракати натижасида Шарқнинг энг катта давлатлари мустақилликка эришдилар, эндиликда улар халқаро муносабатларда тинчлик учун курашда муҳим роль ўйнамоқдалар.

Хитойда ҳамда Европа ва Осиёнинг бир қанча давлатларида социалистик революциялар ғалаба қилганлиги жаҳон тарихида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўз аҳамияти жиҳатидан энг катта воқиа бўлди. Халқлар томонидан олиб борилган қаҳрамонона курашнинг натижаси бўлган бу революциялар шу билан бирликда жаҳон капиталистик системаси барбод бўлиб бораётганлигини, бутун инсониятнинг социализм сари ғоят зўр куч билан олға бораётганлигини кўрсатувчи далилдир. Жаҳон капиталистик системасининг Октябрь революциясидан бери бошланган кризиси тобора кескинлашмоқда ва чуқурлашмоқда. Капиталистик системадан ажралиб чиққан мамлакатлар Совет Иттифоқи билан бирликда яхлит социалистик лагерь вужудга келтирдилар, бу лагернинг иқтисодий, сиёсий ва ғоявий қудрати тўхтовсиз кучайиб бормоқда, бу эса жаҳон тараққиётининг бутун боришига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини, Хитой Халқ Республикасини, Албания Халқ Республикасини, Болгария Халқ Республикасини, Венгрия Халқ Республикасини, Вьетнам Демократик Республикасини, Германия Демократик Республикасини, Корея Халқ Демократик Республикасини, Мўғулистон Халқ Республикасини, Польша Халқ Республикасини, Руминия Халқ Республикасини, Чехословакия Республикасини, қардошлик алоқалари билан бирлаштириб турган социалистик мамлакатлар улуғ ҳамкорлиги тинчликнинг ва халқлар хавфсизлигининг мустаҳкам қалъаси бўлиб қолди.

Социалистик мамлакатлар улуғ ҳамкорлигининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги жуда катта муваффақиятлари империалистларнинг ўлгудек ғазабини қўзғатмоқда. Янги ижтимоий тузум барпо бўлгандан бери ўтган қирқ йил давомида халқаро реакция жосуслик ва диверсиялар қилиш, контрреволюцион фитналар уюштириш ва тўғридан-тўғри ҳарбий авантюралар қилиш йўли билан социалистик мамлакатларнинг ғолибона ривожланишига халақит беришга уриниб кўрди. Бироқ бу уринишларнинг ҳаммаси барбод бўлди, чунки янги, социалистик тузумнинг қарор топишидан иборат жаҳоншумул тарихий процессни ҳеч қандай ҳийла-найранглар билан тўхтатиб бўлмайди. Буни халқаро империалистик реакциянинг Венгриядаги халқ демократик тузумни ағдариш мақсадида яқинда қилган уринишн бутунлай барбод бўлганлиги яққол кўрсатиб турипти. Буни империалистик агрессорларнинг халқаро вазиятни кескинлаштиришга қаратилган бошқа кирдикорлари ва иғволари ҳам кўрсатиб турипти.

В. И. Ленин айтган эдики, ҳамма мамлакатлар олдинми-кейинми, бари бир социализмга келадилар. Ленин турли мамлакатларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ва спецификасини қаттиқ ҳисобга олиш зарурлигини уқтириб, СССРдаги социалистик революция тараққиётининг асосий қонуниятлари ва белгилари маҳаллий, миллий-хусусий аҳамиятга эга бўлмасдан, балки халқаро аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган эди. Пролетариат диктатураси, яъни Коммунистик партия раҳбарлигидаги ишчилар синфининг сиёсий ҳокимияти; ишчилар синфининг асосий деҳқонлар оммаси билан ва меҳнаткашларнинг бошқа ҳамма табақалари билан иттифоқи; миллий зулмни тугатиб, халқлар ўртасида тенгҳуқуқлилик ва қардошларча дўстлик ўрнатилиши; капиталистик мулк тугатилиб, асосий ишлаб чиқариш воситалари социалистик, ижтимоий мулкка айлантирилиши, индустриянинг, умуман экономиканинг социализм ва коммунизм қуришни кўзлаб, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишни кўзлаб планли равишда ривожлантирилиши; қишлоқ хўжалигининг социалистик асосда аста-секин қайта ўзгартирилиши; социалистик давлатни мустаҳкамлаш ва социализм ғалабаларини ташқи ҳамда ички синфий душманларнинг ҳамлаларидан ҳимоя қилиш; ҳар бир мамлакат ишчилар синфининг бошқа мамлакатлардаги ишчилар синфи билан бирдамлиги (пролетар интернационализми) мана шундай умумий белгилар ва қонуниятлардир.

Октябрь революциясининг Россиядаги тарихий шароит билан боғланган ўзига хос хусусиятларига қарамай, бу революция умумий катта йўл очиб берди, барча мамлакатларнинг пролетарлари социализмга шу йўлдан бормоқдалар ва борадилар.

Қирқ йил мобайнида Совет Иттифоқи социал системалари турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшашнинг ленинча принципларига амал қилиб, тинчлик сиёсатини, ҳамма мамлакатлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсатини оғишмай ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Совет халқи бутун дунёда тинчликни муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш учун бутун кучини сарфлаётгани ҳолда агрессив кучларнинг янги урушни бошлаб юборишга интилаётганликларини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Шу сабабли мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида, Октябрь социалистик революциясининг улуғ ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилиш зарур.

Совет халқи шонли тарихий ишларни қилди. Эндиликда социалистик жамият меҳнаткашлари олдида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан иборат улуғвор вазифа, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга тарихан қисқа муддат ичида етиб олиш ва ўзиб кетиш вазифаси турипти. Совет халқи олий техника базасида, ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш базасида уни тўхтовсиз такомиллаштириб, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, моддий неъматларни мўл-кўл қилиб яратиш учун ҳормай-толмай қурашмоқда. Социалистик жамият социалистик демократизмни ривожлантириб, халқ оммасини давлатни бошқаришда ҳамиша актив қатнашишга, хўжаликка ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишга тобора кенг жалб қилиб, фан ва маданиятни ривожлантириб, совет кишиларининг социалистик онглилигини тобора юқори кўтариб, Коммунистик партия чизиб берган йўлдан коммунизм сари ишонч билан олға бормоқда.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллигини халқаро аҳамиятга эга бўлган умумхалқ байрами қилиб ўтказишга тайёргарлик авж олдириб юборилсин, бу тайёргарлик миллион-миллион халқ оммасининг ижодий активлигини КПСС XX съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилиш белгиси остида ўтказилсин.

2. Саноат ва транспорт ишчилари, инженерлари ва техникларининг, колхозчилар ҳамда МТС ва совхоз ходимларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини ташкил этиш ва кенг авж олдириб юбориш йўлида социалистик экономикани янада юксалтиришга, олтинчи беш йиллик иккинчи йилининг халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажаришга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини анча кўпайтиришга, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида янги техникани кенг жорий қилишга ҳамда социалистик ишлаб чиқаришнинг резервларидан ва имкониятларидан яна ҳам тўлиқ фойдаланишга, уй-жой қурилиши планларини муддатидан олдин бажаришга, совет фанини ҳамда СССР халқларининг кўп миллатли социалистик маданиятини яшнатишга қаратилган ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

3. Октябрнинг қирқ йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўрилаётган вақтда матбуотда ва оғзаки пропаганда йўли билан Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва ўтказиш давридаги энг муҳим сиёсий воқиалар ёритилсин; Коммунистик партиянинг ва партия йўлбошчиси В. И. Ленининг улуғ ташкилотчилик ва ўзгартирувчилик ролини кенг оммалаштириш зарур. Партия ташкилотлари омма орасида олиб борилаётган бутун ғоявий-сиёсий ишларни яхшилаб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини, социализм учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда СССРнинг ва халқ демократияси мамлакатларининг муваффақиятларини, социалистик революция ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги, социализм ва коммунизм қуришда Коммунистик партия ва социалистик давлатнинг роли тўғрисидаги марксизм-ленинизм таълимотининг аҳамиятини, пролетар интернационализмининг ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигининг аҳамиятини тушунтириб беришни ташкил этишлари лозим.

4. Корхоналарда, колхозлар ва совхозларда, муассасалар ва олий ўқув юртларида, районларда, шаҳарлар ва областларда меҳнаткашларнинг ва жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига тайёрлик кўриш ва уни ўтказиш Комиссиялари тузилсин.

5. 25 октябрдан 5 ноябргача корхоналарда, колхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда меҳнаткашларнинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан бирликда Октябрь революцияси ва граждан уруши қатнашчиларини таклиф қилиб тантанали йиғилишларини ўтказиш тавсия этилсин.

6. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм институтига, Давлат сиёсий адабиёт нашриётига ва СССР Фанлар академияси Нашриётига Улуғ Октябрь социалистик революциясига бағишланган асарларни: В. И. Ленин асарларини, партия ҳужжатларининг тўпламларини, Октябрь қуролли қўзғолони қатнашчиларининг эсдаликларини, Октябрь социалистик революцияси тўғрисида, Совет социалистик давлати тўғрисида, Коммунистик партиянинг социалистик революциядаги ва коммунизм қуришдаги ташкилотчилик фаолияти тўғрисида, ленинча миллий сиёсат тўғрисида, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи тўғрисида, социалистик индустрлаштириш ва колхоз тузумининг ғалабаси тўғрисида, совет фани ва маданиятининг ривожланиши тўғрисидаги ва шу каби оммабоп бир қанча брошюраларни ўз вақтида чиқаришни таъминлаш таклиф қилинсин.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасига «Совет ҳокимиятининг қирқ йил ичидаги муваффақиятларини кўрсатувчи рақамлар» деган тўплам чиқариш топширилсин.

Адабий-бадиий нашриётлар совет бадиий адабиётининг Октябрь революциясига, граждан уруши ва Улуғ Ватан урушига ҳамда совет халқининг коммунизм ғалабаси учун курашига бағишланган энг яхши асарларини чиқаришни таъминласинлар.

7. КПСС Марказий Комитетининг иттифоқчи республикалар бўйича пропаганда ва агитация Бўлимига ҳамда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм институтига «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги тўғрисида» тезислар тайёрлаб эълон қилиш топширилсин.

8. Газеталарнинг ва ижтимоий-сиёсий журналларнинг редакцияларига Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллигига бағишланган назарий ва пропагандистик мақолаларни, шунингдек Октябрь қўзғолони қатнашчиларининг эсдаликларини, тарихий очерклар ва ҳикояларни чиқариш туриш таклиф қилинсин.

9. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллигига бағишлаб СССР Фанлар академиясида, иттифоқчи республикаларнинг Фанлар академияларида, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм институтида ва Ижтимоий Фанлар академиясида илмий сессиялар ўтказиш тавсия қилинсин.

10. СССР Маданият министрлигига таклиф қилинсин:

а) тарихий, революцион темаларда кинофильмлар ҳамда СССРдаги социалистик қурилишнинг муваффақиятлари тўғрисида ҳужжатли Фильм — очерклар тайёрласин ва экранларга чиқарсин;

б) драма ва музика театрларининг, ансамблларнинг ва хорларнинг Бутуниттифоқ фестивали ўтказилиб, Москвада ва иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида энг яхши ижодий коллективларнинг муваффақиятлари кўрсатилсин;

в) Ленин тўғрисида, Коммунистик партия тўғрисида, СССРдаги социалистик қурилиш тўғрисида плакатлар, альбомлар, шу темалардаги энг яхши суратларнинг нусхалари кўплаб нашр этилсин, шунингдек «Совет ҳокимиятининг қирқ йиллиги» деган фотовиставка нашр этилсин;

г) Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллигига бағишлаб радио ва телевидение орқали систематик эшиттиришлар уюштирилсин.

☆ ☆ ☆

КПСС Марказий Комитети қатъий ишонч билдирадики, Октябрнинг қирқ йиллигини ўтказиш мамлакатимиздаги ҳамма халқларни Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида тағин ҳам зичроқ жипслаштиради, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини, СССР халқларининг дўстлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди, халқимизнинг барча мамлакат меҳнаткашлари билан интернационал алоқаларини маҳкамлайди ҳамда коммунизм учун курашда миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббуси ва активлигини янада юқори кўтаради.

Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг Марказий Комитети.

1957 йил, 16 март.

1957 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани тўғрисида

ҚОНУН

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган 1957 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг тузатишлари билан маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига 1957 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг хулосасида баён этилган ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида депутатлар томонидан айтилган мулоҳазаларни кўриб чиқиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил, 15 март,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 1957 йил Давлат бюджети тўғрисида

ҚОНУН

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджети Бюджет Комиссияси докладидаги юзасидан қабул қилинган тузатишлар билан бирга даромадлар ва харажатлар бўйича 5.352.819 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигига бўладиган харажатлар 1.747.960 минг сўм миқдорида, бундан ташқари корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан 1.886.363 минг сўм, ҳаммаси бўлиб 3.634.323 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга — умумий таълим мактабларига, техникумларга, олий ўқув юртларига, илмий-текшириш муассасаларига, фабрика-завод таълими мактабларига, кутубхоналарга, клубларга, театрларга, матбуотга ва бошқа маориф ҳамда маданий тадбирларга; касалхоналарга, болалар яслиларига, санаторийларга ва бошқа соғлиқни сақлаш ҳамда физкультура муассасаларига; пенсияларга ажратиладиган маблағлар, ҳаммаси бўлиб 3. 270.636 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги Давлат бюджетида давлат бошқариш органларини сақлашга ажратиладиган маблағ 267.875 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1957 йилги республика бюджети даромадлар ва харажатлар бўйича 2.308.550 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

6-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг бюджети ва Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистон ССР областларининг 1957 йилги бюджети умуман 3.044.269 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан:

	(минг сўм ҳисобида)
Тошкент шаҳри	567 854
Тошкент области	455 537
Фарғона области	300 937
Андижон области	225 217
Наманган области	181 520
Самарқанд области	405 109
Бухоро области	211 083
Қашқадарё области	172 351
Сурхондарё области	143 771
Хоразм области	137 977
Қорақалпоғистон АССР	242 913

7-модда. 1957 йилда оборот солиғидан бюджетга ажратмалар қуйидагича белгилансин:

Тошкент шаҳри	6,3 процент
Тошкент области	61,4 процент
Фарғона области	11,4 процент
Андижон области	16,5 процент
Наманган области	18,7 процент
Самарқанд области	18,5 процент
Бухоро области	17,5 процент
Қашқадарё области	50,3 процент
Сурхондарё области	26,3 процент
Хоразм области	29,4 процент
Қорақалпоғистон АССР	50,5 процент

1957 йилда колхозлардан олинадиган даромад солиғидан ажратмаларнинг 30 процента Самарқанд область бюджетига ва 50 процента Қорақалпоғистон АССР бюджетига олиб берилади деб; аҳоли орасида тарқатилган давлат заёмидан тушадиган ажратмаларнинг 45 процента Бухоро области бюджетига, 60 процента Қашқадарё области бюджетига, 90 процента Қорақалпоғистон АССР бюджетига олиб берилади деб, ва бу даромадлардан олинадиган ажратмалар Тошкент шаҳри бюджетига ва бошқа областлар бюджетига 1956 йилда кўрсатилган миқдорларда олиб берилади деб белгилансин.

1957 йилда Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон ССР областларининг бюджетларига бошқа барча умумиттифоқ давлат даромадларидан олинадиган ажратмалар 1956 йилда белгиланган миқдорда қолдирилсин.

8-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1955 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот даромадлар бўйича 3.957.110 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 3.930.220 минг сўм миқдорида, даромадларни харажатлардан 26.890 минг сўм кўп қилиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Раиси Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил, 15 март
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га 13-а моддасини киритиш ва 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

ҚОНУН

СССРнинг «Область, ўлкаларнинг маъмурий-территориал тузилишига доир масалаларни ҳал этишни иттифоқчи республикалар қарамоғига топшириш тўғрисида», «Иттифоқчи республикаларнинг суд тузилиши тўғрисида қонун чиқаришни, гражданлик, жиноят ва процессуал кодексларини қабул қилишни иттифоқчи республикалар қарамоғига топшириш тўғрисида», шунингдек «СССР Конституцияси (Асосий қонуни) 14 моддасининг «и» бандига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 1957 йил 11 февралда қабул қилинган Қонунларига биноан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Конституциясига қуйидаги мазмунда 13-а моддаси қўшимча равишда киритилсин:

«13-а-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ўзининг маъмурий-территориал тузилишини ўзи белгилайди».

2-модда. Ўзбекистон ССР Конституцияси 19 моддасининг «в», «п» ва «ч» бандлари қуйидагича баён этилсин:

«в) областлар тузиш ва уларнинг районларга бўлинишини белгилаш;

«п) шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларнинг ер-жой ва коммунал хўжалигига, ер-жой қурилишига ҳамда ободончилик ишларига раҳбарлик қилиш; республика қарамоғидаги транспортга ва алоқа ишларига раҳбарлик қилиш; йўл қурилиши;

«ч) суд тузилиши ва суд ишларини юритиш тўғрисида қонун чиқариш; гражданлик ва жиноят қонунлари чиқариш».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Раиси Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил, 15 март
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 13-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

ҚОНУН

Карел-фин Совет Социалистик Республикаси Карелия Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантирилганлиги муносабати билан СССР Конституциясининг 13-моддасига биноан Ўзбекистон ССР Конституциясининг 13-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилиб, бу модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13-модда. Иқтисодий ва сиёсий соҳада, шунингдек мудофаа соҳасида ўзаро ёрдамни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тенгҳуқуқли Совет Социалистик Республикалари: Россия СФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қиргизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР, Эстония ССР билан ихтиёрий равишда иттифоқ давлатига — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашган.

Шунга биноан, Ўзбекистон ССР СССР Конституциясининг 14-моддасида белгиланган ҳуқуқларни СССРнинг давлат ҳокимияти олий органлари ва давлат идора органлари орқали амалга ошириш ихтиёрини СССР га беради.

СССР Конституциясининг 14-моддасига доҳил бўлмаган ишларда Ўзбекистон ССР ўзининг суверен ҳуқуқларини тўла равишда сақлаб, давлат ҳокимиятини мустақил суратда амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Раиси Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил, 15 март
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигини тугатиш тўғрисида»ги фармонини тасдиқлаш тўғрисида

ҚОНУН

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигини тугатиш тўғрисида» 1957 йил 21 февралда чиқарган фармони тасдиқлансин.

Шунга биноан Ўзбекистон ССР Конституциясининг 51-моддасига тегишли ўзгартиш киритилиб, бу модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«51-модда. Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги министрликлари республика министрликларидир:

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги;

Сув хўжалиги министрлиги;

Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлиги;

Маориф министрлиги;

Социал-таъминот министрлиги;

Юстиция министрлиги».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил, 15 март,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

Ўзбекистон ССР Олий Судини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Суди қуйидаги составда сайлансин:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИ

Иброҳимов Усмон

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ

Биркин Михаил Михайлович
Васиқова Мамлакат

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Алжонов Кансегит
Отақўзиев Ҳамидулла
Блудова Анна Терентьевна
Горенкова Апполинария Леонидовна
Жуков Игорь Евгеньевич
Кузнецов Аркадий Андреевич
Мазалов Алексей Дмитриевич
Магдалиев Эргаш Расулович
Маҳсудова Минавара
Маҳмудов Абдуали
Маҳмудов Музаффар
Мирманов Юнус
Муталов Абдумалик
Мясишеева Ия Федоровна
Насриддинов Нуритдин
Павлов Александр Григорьевич
Расулов Тўлаган Ҳасанович
Раҳматуллаев Нигмат
Хамадов Габай Абдуллаевич

Ўзбекистон ССР Олий Судининг халқ маслаҳатчилари

Абдуазимов Йўлдош
Агальцева Надежда Иустиновна
Одилхўжаева Муқаддас
Азимов Салим
Оллоберганова Бикажон
Аслонов Қудрат Турсунович
Аннақулова Баҳор Қодировна
Бабкова Мария Тимофеевна
Бахрамов Нуғман
Березюк Григорий Иванович
Битюков Александр Иванович
Богомолова Алевтина Павловна
Буланов Виктор Васильевич
Васихонов Наби Васихонович
Вафоев Ҳамдам Вафоевич
Волобуева Ольга Георгиевна
Волочнин Владимир Григорьевич
Воронцова Мария Григорьевна
Гаврилова Зоя Сергеевна
Гильманов Гайса Исхакович
Груздева Александра Николаевна
Жумаев Амирқул
Долгова Ольга Романовна
Дубовик Валентина Лаврентьевна
Енина Мария Матвеевна
Желтиков Федор Никифорович
Зукуров Носир
Иванова Юлия Владимировна
Изамова Муқаддас
Илёсов Миткат Рамазонович
Исроилов Ортиқбой
Қодиров Ҳаким
Қодиров Эркин Мажидович
Канцеров Рафат Латифович
Қосимов Тош
Қаландаров Сотим
Келимбетов Ўринбой
Кенжагулов Ержон
Кичак Ольга Николаевна
Константинова Олеся Николаевна
Кравцова Марина Андреевна
Кузина Нина Васильевна
Қурбонова Нафиса Умаровна
Қўрғонбоев Акрам
Лукьянов Аир Степанович
Мамидова Муқаддас
Максимова Анна Георгиевна
Мамажонов Абдунаби
Мансурова Хурнисо
Мартинова Екатерина Борисовна
Маткаримов Собирали
Мелишева Нина Григорьевна
Меньшиков Дмитрий Иванович
Мингбоев Набижон
Муҳамадиев Исиргаф Муҳамадиевич
Назарова София Саидовна
Назаров Василий Парфирьевич
Низомиддинов Мўминжон
Ниёзов Муҳаммад — Али
Печеркина Вера Ивановна
Писаренко Яков Семенович
Расулова Ойтўра Раззоқовна
Раҳимбердиев Ҳасан
Рогожина Анелия Тимофеевна
Рўзиматова Турсунхон
Сабуров Клюль
Сагидуллин Габдулла Фатқулович
Содиқова Амина
Самибоев Матлуб Хатамович
Самиева Турсунхол
Селезнев Сергей Алексеевич
Ситамов Маматқобил
Складчиков Иван Михайлович
Старцев Александр Иванович
Тошбеков Жўрабой
Тошнулов Салом
Турғунбоева Замира
Усмонов Исмоил
Умарҳўжаев Тўлаган
Ҳаким Носир
Холматова Адолат
Ҳакимова Шарипа
Хўжаева Ойимхон
Холматов Тўра
Хорошилов Николай Васильевич
Чванов Григорий Зиновьевич
Чуднов Виктор Петрович
Шеголева Людмила Васильевна
Юсупова Хайринисо
Яхин Мирбат Умарович

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил, 15 март.
Тошкент шаҳри.

Қишлоқ хўжалик илғор ёшларининг область слёти

Яқинда Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносида Тошкент область қишлоқ хўжалик илғор ёшларининг II слёти бўлиб ўтди.

Соат 12. Театрнинг кенг зали илғор пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар, пиллачилар, сабзавотчилар билан лиқ тўлади. Булар орасида мусобақадош Андижон, Ленинобод, Жанубий Қозоғистон областларидан келган комсомол ва ёшларнинг вакиллари ҳам бор.

Слёт президиумида областимизгагина эмас, республикамизга, ҳатто Иттифоқимизга донг таратган илғор ёшлар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ўтирибди. Булар орасида Бўка районидаги Хрушчев номли колхознинг машҳур теримчиси Саодат Гулаҳмедова, Пискент районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси Соҳиба Ғуломхонова, Мирзачўл районидаги иккинчи МТС механизатори Сотиволди Матвалиев ва бошқа ўртоқлар ўтирибди.

Слёт қатнашчилари узоқ давом этган қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетининг Президиумини фахрий президиумга сайлайдилар.

Слётда область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **У. Кенжаев** 1956 қишлоқ хўжалик йилининг якуни ва комсомол ҳамда ёшларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги 1957 йилги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи уқтириб ўтдики, 1956 йилда областимизда пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида эришилган ютуқларни қўлга киритишда комсомол ва ёшлар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан колхоз, совхозларда астойдил меҳнат қилдилар. Ўтган хўжалик йилида минглаб комсомол ва ёшлар пахта йиғиб-теримида актив иштирок этиб, меҳнатда намуна кўрсатдилар. Комсомол-ёшлар раҳбарлик қилган ва ишлаган 1700 та бригада ҳамда звено пахта, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштирдилар.

Оржоникидзе, Янгийўл, Бўка, Пискент, Ўртасарой ва бошқа бир қанча районлардаги комсомол - ёшлардан иборат бригада ҳамда звенолар пахтачиликни ривожлантиришда, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишда астойдил меҳнат қилиб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўлдилар. Жуда кўп ёшларимиз СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Докладчи айтдики, ўтган йилги муваффақиятларни якунлар эканмиз, бу йил олдимизда ўтган йилдагидан ҳам каттароқ вазифалар турганлигини асло унутмаслигимиз керак. Ўз олдига қўйилган вазифанинг гоят муҳим эканлигига тушунган илғор колхоз ва совхозларнинг комсомол ташкилотлари, ёш пахтакорлари кўклам экиш кампаниясига тайёрланишда актив қатнашиб, мўл ҳосил учун курашда олдинги safda борaётирлар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг комсомол ва ёшлари шу йил январь ойида ташаббус бошлаб, кўплаб маҳаллий ўғит тўплашга қарор қилган эдилар. Улар ўзларининг ана шу социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Далага кўплаб ғўнг ва маҳаллий ўғит чиқаришда Гулистон район комсомолларидан ҳам катта ишлар қилдилар.

Докладчининг сўзидан яна шу нарса маълум бўлдики, ҳали жуда кўп колхоз ва совхозларнинг комсомол ташкилотлари кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўришда чинакамига ишга киришмаганлар. Улар ерларни бороналашда, ирригация тармоқларини тартибга келтиришда, маҳаллий ўғит тайёрлашда шу кунларнинг талаби асосида ишни кучайтириб юбормаганлар. Квадрат-уялаб чигит экиш экипажларини ўқитиб, ўргатиш ҳали жуда кўп жойда қониқарсиз аҳволда. Масалан, Сирдарё районидаги иккинчи МТС комсомол ташкилоти янги усулда чигит экувчи кадрларни тайёрлашга шу вақтгача муттақо аҳамият бермаётир. Экиш кампаниясига саноқли кунлар қолаётганига қарамай, МТС хизмат қиладиган колхозларда квадрат-уялаб чигит экиш усулини пухта билган ёшлар жуда кам. «Ҳақиқат», Хрушчев номли, Ленин номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида эса янги усулда ишловчи ёшлар ўртасида шу вақтгача амалий машғулотлар ўтказилмаган.

МТС зонасидаги колхозларда 6150 гектар ер квадрат-уялаб чигит экишга тайёрланиши зарур бўлгани ҳолда, ҳозиргача бу ерларнинг кўп қисми ҳозирланмаган. МТС комсомол ташкилотининг шу вақтгача бironта комсомол-ёшлар экипажи тузмаганлиги ачинарли бир ҳолдир.

Докладчи айтдики, далага маҳаллий ўғит чиқариш ҳам унча яхши эмас. Қулай фурсатнинг ўтиб кетаётганига қарамай, колхоз ва совхозларда энди 334 минг тонна ўғит тайёрланибди.

Колхоз ва совхозларнинг комсомол-ёшлари, МТСларнинг ёш механизаторлари барча имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиб, 1957 йилда областимизда 500 минг тонна пахта тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшишлари, колхоз ва совхозларда боғлар, қўчатзорлар ташкил этиш ишида актив қатнашишлари, пиллачиликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган тут кўчатлари ўтқазишни шу кунларда айниқса кучайтириб юборишлари, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашда ҳамма вақт зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилишлари керак. Комсомол ва ёшларимиз Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги шарафига бошланган мусобақада илғорлар байроғини доим баланд кўтаришлари зарур.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди.

Биринчи бўлиб Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи **Мўминова** сўз берилади. Мўминов ўзи раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари 70 гектар ерпинг ҳар гектаридан ўтган йили 42 центнердан ошириб пахта етиштирганлиги, ёш колхозчилар бу йил ҳам мўл ҳосил учун астойдил курашаётганликлари тўғрисида гапиради. У бошлиқ бригада ҳозиргача ҳар гектар ерга 12 тоннадан мўлжаллаб ғўнг тайёрлаб қўйибди. Бригада аъзолари 3 гектар ерга эртаги картошка ва 12 гектар ерга беда экибдилар.

Слёт қатнашчилари Гулистон районидаги Карл Маркс номли колхознинг ёш пахтакори **З. Умирова**нинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Мирзачўл ерларини пахта водисига айлантиришда у бошлиқ звено аъзолари намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили звено аъзолари янги ерларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топширганлар.

— Биз, — деди ўртоқ Умирова, — бу йил гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашамиз. Шу билан бирга, мен мавсумда 20 тонна пахта теришга ваъда бераман.

«Ўзбекшахтстрой» комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Прудников** ёш пахтакорларни шахтёрлар номидан қизғин табриклайди. У ишонч билдириб айтдики, Ўзбекистон шахтёрлари мамлакатга гобора кўпроқ кўмир етказиб бериш соҳасида астойдил ишлайдилар. Пахтакор ёшлар ҳам она-Ватанга «оқ олтин» етиштириб беришда меҳнатларини аямайдилар.

Минбарга Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг сут согувчиси ўртоқ **Кабенко** чиқади. Ўртоқ Кабенко бундай дейди:

— Колхозимизда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам ривожлантирилмоқда. Колхоз комсомол-ёшлари мўл ҳосил учун курашда қандай актив қатнашаётган бўлсалар, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда ҳам шундай ғайрат билан ишламоқдалар. Биз колхозимизда гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Верхне-волинск районидаги «Победа» колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ **К. Кучимов** сўз олади. У айтдики, колхоз комсомол ва ёшлари янги ерларни кўпроқ ўзлаштириш ва бу ерлардан мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз раиси **Р. Йўлдошева,** Боёвут районидаги Булганин номли совхоз комсомол ташкилотининг секретари **Алиев,** Пискент район сув хўжалиги бўлими комсомол ташкилотининг секретари **Алексеенко,** Қуйи Чирчиқ район комсомол комитетининг секретари **Тўлаганов,** область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Александров,** Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи **Жўраев,** Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг звено бошлиғи **Шокирова,** Бўка районидаги Хрушчев номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат **Гулаҳмедова** ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, пахтачиликни, чорвачиликни, шунингдек қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда қандай тадбирларни амалга ошираётганликларини батафсил сўзлаб бердилар.

Слётда қардош Тожикистон ССР Ленинобод область комсомол комитетининг секретари **Жумаева,** Жанубий Қозоғистон область комсомол комитетининг секретари **Бойжқоов,** Андижон районидаги «XIX партсъезд» колхози комсомол ташкилотининг секретари **Шокиров** ўртоқлар сўзга чиқиб, Тошкент область ёш пахтакорларини чин қалбдан табриклядилар ва бу йил ҳам социалистик мусобақани қизғин давом эттиришга чақирдилар.

Шоир **Ғафур Ғулом** слёт қатнашчиларига бағишлаб ёзган шеърини ўқиб берди. Слётда уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул **Турсунқулов** нутқ сўзлади.

Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Нуритдинов** слётда нутқ сўзлади. Слёт ишларида ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Шелепин** қатнашди.

Ўтган қишлоқ хўжалик йилида районлар ўртасидаги социалистик мусобақада голиб чиққан Юқори Чирчиқ район комсомол-ёшларига область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи, Оржоникидзе ва Ўртасарой районларига кўчма вимпеллар топширилди. Шунингдек, Бўстонлиқ ва Янгийўл район комсомол-ёшларининг яхши ишлаганликлари таъкидланди. Слёт қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида комсомол ва ёшлардан 81 кишига қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

Слёт қатнашчилари Иттифоқимизнинг пахтакор республикалари комсомол ва ёшларига қарата Мурожаат қабул қилдилар.

* * *

Шундан кейин слёт қатнашчиларига Тошкент шаҳар театрларининг ёш артистлари иштирокида катта концерт қўйиб берилди.

Область қишлоқ хўжалик илғор ёшларининг II слётига делегат бўлиб келганлардан бир группаси танаффус вақтида суҳбатлашмоқдалар. Суратда: (чапдан) Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхозининг звено бошлиғи К. Ахролов, Ўртасарой районидаги 1- МТСнинг бригада механиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эрматов, Сирдарё районидаги Маленков номли колхознинг звено бошлиғи Г. Абдуллаева, Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхознинг звено бошлиғи И. Йўлдошева, Бўка районидаги Хрушчев номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Гулаҳмедова, Мирзачўл районидаги Сталин номли колхозда хизмат қилаётган тракторчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Матвалиев, Оққўрғон районидаги «Красная заря» колхозининг бригада бошлиғи Б. Тоштемиров ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

БУГУН ЁЗГИ СПОРТ МАВСУМИ БОШЛАНАДИ

СПОРТ ҒОЛИБЛАРИ

Бокс бўйича оғир вазида республика чемпиони И. Юсупов.

Республикада кучли спортчи Т. Бондаренко.

Югуриш ва сакрашда моҳир спортчи В. Таманов.

Кучли сув спортчиси Н. Герасименко.

Флора Камолова

Бу, 1953 йилда бўлган эди. У вақтда «Медик» спорт жамияти биринчилиги учун енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилмоқда эди. Йигит ва қизлар бирин-кетин стартга чиқиб, ўз кучларини синаб кўрадилар.

—Ҳотин-қизлар учун 400 метрга югуриш, стартга! — дикторнинг овози эшитилди.

Тошкент давлат медицина институти даволаш факультетининг II курс студенти Флора Камолова стартга тайёрланмоқда. У ҳаяжонланади. Чунки Флора енгил атлетика бўйича ўтказилаётган йирик мусобақаларда биринчи марта қатнашаётир.

... Стартер югуриш бошланганлиги ҳақида сигнал бергандан сўнг спортчилар бирдан олға ташландилар. Флора бутун кучини ишга солиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

— Машқ қилсанг чиниқасан, югуришда тез чарчамайсан. Ғалабага ишонч муваффақиятнинг асосий шартидир, — деди тренер Геннадий Георгиевич Козодаев Флорага қараб.

Енгил атлетика мусобақаси бўлиб ўтган кундан буён кўп ойлар ўтиб кетди. Бу давр ўқиш ва спорт машғулотларига актив қатнашиш билан ўтди.

Ёш студент қиз Флора Камолова 400 метрга югуриш техникасини ўрганиш учун жуда кўп куч сарфлади. У 1954 йилда бу масофани бир минут 03,5 секундда босиб ўтиб «Медик» спорт жамиятининг чемпиони номини олди.

— Муваффақиятнинг чегараси йўқ, олга интил, Флора, — деди тренер қизни табриклаётиб.

Флора стадионга тез-тез бориб, тренернинг маслаҳатларига амал қилиб иш кўрди, ўзининг спорт-техник маҳоратини оширишга жиддий эътибор берди.

Флора IX республика Спартакиадаси кунларини жуда яхши эслайди. Чунки у республикамизнинг энг кучли енгил атлетикачилари билан мусобақалашган эди. Шу ерда спорт мастери Фарида Ҳасанова ҳам иштирок этди.

... Диққат... марш!

Флора Камолова шиддат билан олга интилди. Спорт мастери Фарида Ҳасанова унинг кетидан боради. Студент қиз бутун куч ва қобилиятини югуришга сафарбар қилиб, галаба қозонишга муваффақ бўлди. Томошабинлар ҳаяжон билан бу спортчини қизғин табриклардилар.

Флора Камолова бу йил медицина институтини тамомлайди. У аълочи студент, жамоатчи тренердир. Камолова отиш спорти билан ҳам шуғулланади. Уни волейбол майдончасида ҳам кўриш мумкин. Флора Тошкент медицина институти даволаш факультетининг фахридир.

... Бугун, спорт мавсуми очилиши кунида Флора Камолова ҳам тошкентлик спортчи йигит ва қизлар билан биргаликда стадионда куч синашиб кўради.

— Бу йил спорт мастери унвонини олиш асосий мақсадимдир, — дейди Флора Камолова.

Меҳнатсевар, иродали, ҳаракатчан қиз Флора албатта ғалабага эришади. Бўлажак врач Флора Камоловага спорт соҳасида катта муваффақиятлар тилаймиз.

А. БРОНШТЕЙН.

Шахматни севинг

Шахмат — мамлакатимиз ёшлари ва меҳнаткаш омма ўртасида кенг тарқалган спортнинг энг севимли турига айланиб бормоқда. Мактаб ва олий ўқув юртларида, саноат корхоналарида, колхоз, совхоз ва МТСларда, хуллас ҳамма ерда шахмат ўйинига қизиқувчилар сони тобора кўпаймоқда.

Совет шахматчилари дунёда энг кучли ва энг маҳоратли шахматчилардир. Улар жаҳоннинг энг кучли шахматчилари билан бўлган учрашувларда ажойиб ғалабаларга эришиб, Ватанимиз шон-шарафини сақлаб келмоқдалар. Ўзбекистонда шахмат ўйини яхши ривожланмоқда. Ёшлардан талантли ва кучли шахматчилар коллективи етишмоқда. Шахмат — кишини ўйлашга, тез фикр қилишга, янги-янги комбинация — йўлларни ўйлаб топишга ўргатади, кишини чиниқтиради. Шахмат ўйини маданий дам олишнинг энг яхши воситаларидан биридир.

Мен шахмат билан кўпдан буён шуғулланаман. Ҳозир анчагина шахматчи ёшларни тарбиялаб, уларга ўз тажрибаларимни ўргатаётирман. Шахмат севимли машғулотингиз бўлсин.

И. МУҲИТДИНОВ.
СССР спорт мастери.

Моҳир гимнаст Е. Коняева.
И. Сироткин, В. Володин ва Ш. Жаҳонгиров фотолари.

Спортчилар бўлиб етишинг!

Мен ўрта мактабдалигимдаёқ спортни жуда севар эдим. Ўша пайтда югуриш ва сакрашда мактаб бўйича биринчиликни олганман. 1953 йилдан бошлаб шаҳар бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнаша бошладим. Мусобақа ютуқлари ва мастерларнинг қимматли маслаҳатлари мени янги муваффақиятларга илҳомлантирди. Шаҳарда ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда 160 сантиметр баландликка сакраб, Ўзбекистонда биринчи ўринни олдим.

1956 йилда ўтказилган XVI халқаро Олимпия ўйинларида қатнашиб, 168 сантиметр баландликка сакрадим. Менга СССР чемпиони деган юксак унвон берилди. Шуни айтишим керакки, спорт билан шуғулланишим университетда ҳам юқори баҳоларда ўқишимга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Юқоридаги муваффақиятларга осонлик билан эришмадим. Улар кўп йиллик машқ ва қунт билан қилинган меҳнатнинг натижасидир. Ҳурматли дугоналар, спорт билан шуғулланинг ва уни севинг. У кишини соғлом ва бақувват қилади, иродани мустаҳкамлайди.

Валентина БАЛЛОД,
В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети география факультетининг II курс студенти.

Бугун спорт базаларида

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

Футбол — «Пахтакор» ва Молотов шаҳри мастерлар командасининг ўртоқлик учрашуви. Соат 17 да бошланади.

«СПАРТАК» СТАДИОНИДА

Футбол — мавсум очилиши призи учун ёшлар командасининг блитц турнири. Соат 10 да бошланади.

Енгил атлетика — физкультура Комитетининг призи учун спорт жамиятлари командалари ва физкультура коллективлари традицион эстафета мавсумининг очилиши. Соат 10 да бошланади.

«ДИНАМО» СТАДИОНИДА

Футбол — ёзги спорт мавсуми очилиши призи учун биринчи катталар командасининг блитц турнири. Соат 10 да бошланади.

Баскетбол — мавсум очилиши призи учун спорт жамиятлари командалари ва физкультура коллективлари (эрлар, ҳотин-қизлар, ёшлар, болалар)нинг блитц турнири. Соат 10 да бошланади.

«ДИНАМО» СПОРТ ЗАЛИДА

Эркин ва классик кураш — спорт жамиятлари ва физкультура коллективлари ўртасида командалар биринчилиги учун мусобақалар. Соат 12 да бошланади.

Шашка — юз катакли шашка бўйича Тошкент биринчилиги учун. Соат 19 да бошланади.

РЕВОЛЮЦИЯ СКВЕРИДА

Велосипед пойгаси — шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб оммавий мусобақа. Соат 10 да бошланади.

Бундан ташқари, шаҳар районларида ГТО комплекси нормативлари юзасидан енгил атлетика бўйича оммавий мусобақалар ва кросслар ўтказилади.

СПОРТ ҒОЛИБЛАРИ

Диска иргитишда республика чемпиони Н. Строганов.

Моҳир сузувчи В. Иванова.



Шест билан сакрашда кучли спортчи И. Мойсеенко.

Моҳир гимнаст Лиля Речкина.

Венгриянинг миллий байрами

БУДАПЕШТ, 15 март. (ТАСС). Кеча кечқурун Будапештда Венгрия миллий байрами —15 мартга бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мажлисни Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматя, Венгрия социалистик ишчи партиясининг Марказий комитети, эркин венгер касаба союзларининг умумвенгер иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари чақирдилар.

Мажлисга пойтахтдаги завод ва фабрикаларнинг меҳнаткашлари, фан ва маданият арбоблари, ишчи ёшлар, студентлар, Венгрия қуролли кучларининг вакиллари тўпландилар.

Янош Кадар бошлиқ ҳукумат аъзолари, Венгрия Халқ Республикаси президиуми раиси Иштван Доби, Давлат кенгашининг раиси Шандор Ронаи, Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий комитетининг секретарлари Дьюла Каллаи ва Карой Киш ҳамда давлат ва партиянинг кўзга кўринган бошқа арбоблари президиумда пайдо бўлганларида мажлис қатнашчилари уларни самимий кутиб олдилар.

Венгрия Халқ Республикасининг раиси Иштван Доби қисқача кириш нутқи билан тантанали мажлисни очди. Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий комитетининг секретари ва маданият министри Дьюла Каллаи Венгриянинг миллий байрами — 15 март тўғрисида доклад қилди.

Дьюла Каллаи ўз сўзининг охирида 1848 — 1849 йиллардаги революциянинг революцион меросхўри — Венгрия социалистик ишчи партияси ва революцион ишчи-деҳқон ҳукумати шарафига, социализм улуғ ишининг ғалабаси шарафига табрик хитоблари айтди.

Тантанали мажлис охирида байрам шарафига катта концерт бўлди. Концертда Совет Армиясининг А. В. Александров номидаги Қизил байроқли ашула ва рақс ансамбли қатнашди.

«ЖАЗОИРДАГИ УРУШГА ХОТИМА БЕРИЛСИН!»

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг хитобномаси

ПРАГА, 15 март. (ТАСС). Бугун Жаҳон касаба союзлари федерацияси Жазоир халқини ҳимоя қилиш йўлидаги халқаро бирдамлик ҳафтасига атаб хитобнома эълон қилди. Хитобномада бундай дейилади:

Эркак ва аёл меҳнаткашлар, барча мамлакатларнинг касаба союзлари! Франция мустамлакачилари Жазоир халқига қарши икки йилдан кўпроқ вақтдан бери шафқатсиз уруш олиб бормоқдалар. Жазоирликлар ва французларнинг қони тўкилмоқда, Жазоир аҳолиси жуда раҳмсизлик билан таъқиб қилинмоқда. Бу эса ўзининг энг оддий касаба союз ва демократик ҳуқуқларидан маҳрум этилган бу мамлакат меҳнаткашлари оммасининг чидамсиз турмуш ва меҳнат шароитини яна ҳам ёмонлаштирмоқда.

1 февралда Жаҳон касаба союзлари федерацияси ижроия комитети ҳеч бир истисносиз ҳамма меҳнаткашларни ва барча касаба союзларни 7 апрелдан 14 апрелгача Жазоир меҳнаткашлари ва халқи билан халқаро бирдамлик, уруш ҳаракатларини тўхтатиш учун ва халққа ўз тақдирини ўзи бошқариш ҳуқуқини бериш учун курашиш ҳафтаси ўтказишга қарор қилди.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси, меҳнаткашлар, шунингдек миллий ва халқаро касаба союз ташкилотлари қандай йўл тутаётганликларидан қатъий назар, биргаликда ҳаракат қилиб, Жазоир меҳнаткашларига зарур ёрдамни беришлари ва шу тариқа самарали халқаро бирдамлик кўрсатишлари лозим деб ҳисоблайди.

— Қамоққа олинган меҳнаткашлар ва бошқа ватанпарварлар дарҳол озод қилинсин;

— Касаба союз ҳуқуқларидан фойдаланиш имконияти берилсин;

— Демократик эркинликлар берилсин;

— Меҳнаткашларнинг турмуши даражаси оширилсин;

— Уруш ҳаракатлари тўхтатилсин, Жазоир аҳолисига миллий озодлик ва суверенитет берилсин.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси «катта қулфат тортаётган ва қурбонлар бераётган Жазоирдаги аҳвол масаласини» тинч демократик йўл билан ва адолатли» ҳал этиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси билдирган умидни энг қисқа муддат ичида амалга оширмоқ учун бутун дунё меҳнаткашлари ва касаба союзлари биргаликда ҳаракат қилишлари зарур деб ҳисоблайди.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси Жазоир халқининг ҳақли миллий истак-орзуларини рўёбга чиқариш учун меҳнаткашларни ва касаба союзларни биргаликда ҳаракат қилишга чақириб, ўзининг мустамлакачилик системаси принципларига қарши эканлигини яна бир марта билдиради ва мустақиллик учун курашаётган халқлар билан ўзининг доимий ҳамжиҳат эканлигини изҳор қилади.

Яшасин халқаро ишчилар бирдамлиги! Жазоирдаги урушга хотима берилсин ва бу мамлакат аҳолисига ўз тақдирини ўзи бошқариш ҳуқуқи берилсин!

Жаҳон касаба союзлари федерацияси.

Прага, 15 март.

Миср ҳукумати тайинлаган маъмурий губернатор Ғазога келди

ҚОҲИРА, 15 март. (ТАСС). Матбуотнинг хабар беришича, Ғазо секторининг Миср ҳукумати томонидан тайинланган маъмурий губернатори генерал-майор Муҳаммад Хасан Абдиллатиф кеча Ғазога келган.

Губернатор билан бирга миср ҳарбий ва граждан ходимлари ҳам келганлар, улар губернаторга ўз маъмурий вазифаларини бажаришда ёрдам берадилар.

Газеталарнинг ёзишича, Ғазо секторининг аҳолиси Миср маъмуриятининг келишини катта хурсандчилик билан кутиб олган. Шаҳарда кўп минг кишилик намойишлар бўлган. Арабларнинг бирлиги шарафига, президент Носир ва миср халқи шарафига табрик хитоблари айтилган. Намойишчилар Ғазо секторида миср маъмуриятининг дарҳол ва тўла равишда тикланишини талаб қилганлар.

АҚШ вице-президенти Ливияга келди

ТАРОБЛИС, 15 март. (ТАСС). Африка мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилаётган АҚШ вице-президенти Никсон кеча кечқурун Тароблисга келди.

Г. МЮРДАЛЬ ЖАНОБЛАРИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг ижроия секретари Г. Мюрдаль жаноблари Ўзбекистонда ўн кун турганидан кейин, 16 мартда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Мюрдаль жаноблари ва унинг ҳамроҳлари республикада меҳмон бўлиб турган вақтларининг кейинги икки кунида Самарқанд областининг ҳаёти билан танишдилар. Улар Куйбишев номидаги қишлоқ хўжалик институтини бориб кўрдилар, бу институт йилига уч юздан кўп малакали мутахассис етиштирмоқда. Меҳмонлар бу ўқув юртининг қарамоғидаги катта тажриба хўжалигида бўлиб, унда студентлар ўз назарий билимларини мустаҳкамлаётганлигига қизиқдилар. Мюрдаль жаноблари институт кабинетларини ва лабораторияларини кўздан кечирди. Зоотехника кабинетида у Ўзбекистон қорақўлининг турли хиллари билан танишди.

Чет эллик меҳмонлар иккинчи Дагбит МТСига бордилар, у ерда дала ишларини механизациялаш, ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, МТС билан колхозларнинг ўзаро муносабатларига доир масалалар юзасидан МТС раҳбарлари билан суҳбатлашдилар. Мюрдаль жаноблари МТС нинг ремонт мастерскойларини ва машина паркини бориб кўрди.

Меҳмонлар Самарқанд районидаги Энгельс номли колхозда, чой қадоқлаш фабрикасида, миллий бадиий буюмлар — гилам, чойшаб, рўмоллар ишлаб чиқарадиган «Хотин-қизлар меҳнати» артелида бўлдилар.

15 мартда Мюрдаль жаноблари Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

Мюрдаль жаноблари республика пойтахтидан Москвага жўнаб кетиши олдидан ЎзТАГ мухбирига Ўзбекистонда бўлган вақтида олган таассуротларини гапириб берди.

Биз кўп саноат корхоналарини, колхоз, МТСларни, илмий ва маданий муассасаларни, ўқув юртларини бориб кўрдик, уларнинг раҳбарлари билан, ишчилар ва колхоз аъзолари билан суҳбатлашдик, деди у. Биз суҳбатлашган ҳамма кишилар бизнинг саволларимизга батафсил жавоб қайтардилар.

Мен Ўзбекистон ҳақида бундан аввал баъзи адабиётларни ўқиган эдим. Лекин ҳамма нарсани ўз кўзим билан кўрганимдан кейин, республика халқ хўжалигининг қутганимдан анча тез суръатлар билан тараққий этаётганлигига қаноат ҳосил қилдим. Халқ маорифини ривожлантириш йўлида сарф қилинаётган куч-ғайрат мени айниқса қойил қилди. Ўзбекистоннинг ўтмишда ёппасига саводсиз бўлган аҳолиси Совет ҳокимияти йилларида ёппасига саводхон бўлиб қолган. (ЎзТАГ).

СССР Ёзувчилар союзи Правлениеси ва Тожикистон ССР Ёзувчилар союзи Правлениеси отоқли совет шоири, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг аъзоси

Абулқосим ЛОХУТИЙ

16 мартда 70 ёшда вафот бўлганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантирайлик

Бугун республикамизда 1957 йилги спорт мавсуми бошланади. Орденли республикамизнинг пойтахти — Тошкентдаги «Пахтакор» ва бошқа стадионлар, спорт майдончалари, саройлар ва спорт заллари минглаб спортчиларни меҳмондўстлик билан кутиб оладилар. Спорт мавсумининг бошланиши билан жуда кўп мусобақалар ва ажойиб кўрсаткичларга бой бўлган спорт ёзига старт берилади.

1956 йил март ойидан шу вақтгача ўтган бир йил—совет спортчилари учун ажойиб ютуқ ва ғалабалар йили бўлди. Кортино д'Ампеццо шаҳрида ўтказилган қишки Олимпия ўйинлари (бу ўйинда Ватанимиз спортчилари бошқа мамлакатлар спортчилари устидан ажойиб ғалаба қозонган эдилар), Лужникида дунёда энг йирик бўлган спорт шаҳарчасининг қурилиб, ишга туширилиши, мамлакатимизда физкультура ва спорт ишларига катта кўрик бўлган СССР халқлари спартакиадаси, ниҳоят XVI халқаро Олимпия ўйинлари якуни шулар жумласидандир. Халқаро Олимпия ўйинларида совет спортчилари спортнинг кўпгина турлари бўйича бошқа мамлакат спортчиларидан устун эканликларини кўрсатиб, очколарни ҳам, медалларни ҳам кўп олишга муваффақ бўлдилар. Айниқса, шу нарса қувонарлики, СССР спортчилари қариб 50 йил давомида Олимпия ўйинларининг голиби бўлиб келаётган АҚШ спортчиларини мағлубиятга учратдилар. Бу ўйинда америкалик спортчилар биринчи марта ғолибликни қўлдан бериб қўйдилар.

Совет спортчиларининг бу каби катта ютуқлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг физкультура ва спорт ишларини кенг кўламда ривожлантириш тўғрисида қилиб келаётган доимий ғамхўрликлари туфайли, маҳаллий партия, совет комсомол ва касаба союз ташкилотлари КПСС XX съезди Директиваларининг физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш, айниқса, ишчи ёшлар ва ўқувчиларни бу ишга кенг жалб қилишга қаратилган кўрсатмаларини активлик билан амалга ошираётганликлари туфайли қўлга киритилди. Съезддан сўнг мамлакатимизда физкультура ҳаракати катта қадамлар билан илгари кетди, унинг сафига миллионлаб янги ҳаваскорлар келиб қўшилди.

Ўтган йил республикамиз, шу жумладан Тошкент области спортчилари учун ҳам самарали йил бўлди. СССР халқлари спартакиадасига тайёргарлик даврида физкультура коллективлари ўз фаолиятларини бирмунча жонлантирдилар, ёшларнинг спорт маҳорати ошди. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида ўтган йили 28 киши спорт мастери бўлди, юзлаб спортчилар биринчи разрядчилар сафига ўтиб олдилар. Спорт мастери деган фахрий унвонга эга бўлганлар орасида баландликка сакраш бўйича СССР халқлари спартакиадасининг чемпиони, XVI Олимпия ўйинларининг иштирокчиси, В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг студенти Валентина Баллод, Политехника институтининг дипломанти, уч хатлаб сакраш бўйича республика рекордчиси Олег Ряховский, «Ўзбексельмаш» заводи 11-цехининг тобловчиси Юрий Зеленин (классик кураш бўйича), гимнаст Исҳоқова ва бошқа ўртоқлар бор.

Тошкент обастининг спортчилари ҳам янги мавсум очилишига яхши патижалар билан келдилар. Саноат корхоналари, колхоз, совхоз, МТС ва ўқув юртларидаги физкультура коллективларига бирлашган спортчиларнинг гоят активлик кўрсатганликлари ўтган спорт мавсумининг характерли белгисидир.

Яқинда Чирчиқ спорт жамоатчилиги электрохимия комбинатидаги физкультура коллективининг 10 йиллигини нишонлади. 1200 дан ортиқ спортчини ўзига бирлаштирган 11 та секцияда тренировкалар ўз вақтида ўтказилиб, спортчилар маҳоратини оширишга эришилмоқда. Бу коллективда бир неча ўнлаб биринчи разрядли, 120 дан ортиқ иккинчи разрядли ва 300 га яқин учинчи разрядли спортчилар бор.

Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг физкультура коллективи ҳам яхши ютуқларни қўлга киритмоқда. Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг ёрдамида қишлоқ спортчилари стадион ва майдончалар қуриб, ўз спорт базаларини вужудга келтирдилар. Колхоз ёшлари спорт билан системали равишда шуғулланиб, ўзларини чиниқтирмоқдалар. Соғлом тан ва соғлом ақлга эга бўлган бу ёшлар пахтадан ҳам юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Бу ерда йигит ва қизлар футбол, енгил атлетика, штанга, волейбол ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланадилар. Ўндан ортиқ киши спорт разрядига эгадир.

Областдаги бундай илғор физкультура коллективларини кўплаб келтириш мумкин. Худди ана шу коллективларнинг ғайрат ва ташаббуслари туфайли ўтган йили ГТО значкистлари ва разрядли спортчилар тайёрлаш юзасидан олинган мажбурият ошириб бажарилди. Ўтган йили 10.183 биринчи даражали ва 904 иккинчи даражали ГТО значкистлари тайёрланди. 1.067 спортчи учинчи разряд, 138 спортчи биринчи разряд, 37 спортчи иккинчи разряд нормативларини бажардилар. Шу давр ичида 510 физкультура коллективи Советининг раислари ва физкультура ташкилотчилари, 500 дан ортиқ жамоатчи-тренерлар, 830 жамоатчи-судьялар тарбиялаб етиштирилди.

Юқорида келтирилган ижобий фактларга қарамасдан, областда физкультура ва спорт ишларини кенг миқёсда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган жиддий камчиликлар борки, ундан кўз юмиб ўта олмаймиз. Шуни очиқ айтиш керакки, областимиз районлари республиканинг бошқа областларидаги районларга қараганда пойтахтга яқин турадилар. Бу эса физкультура ишларини яхшироқ ривожлантириш учун катта қулайликлар тугдиради. Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод ва Янгийўл каби саноат шаҳарларида физкультурачилар ҳаракатини кенг кўламда ривожлантириш, ёшлар орасида спорт ўқишини ташкил этиб, футболчилар, енгил атлетикачилар, штангистлар, боксёрлар, етиштириш учун катта имкониятлар мавжуд. Лекин ана шу имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Бир қатор район ва шаҳарларда физкультура коллективларининг иши ачинарли ҳолга тушиб қолган.

Мисол учун Янгийўл шаҳрини олиб кўрайлик. Шаҳарнинг энг йирик корхонаси — тикув-пойафзал комбинатида юзлаб йигит-қизлар ишлайди. Район физкультура комитетининг бепарволиги ва корхона раҳбарларининг ёшлар тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмасликлари туфайли комбинатдаги физкультура коллективида ҳеч қандай иш олиб борилмаётир. Ҳатто физкультура, коллективи тарқалиб кетишигача келиб қолган. Пискент районида (физкультура ва спорт комитетининг раиси ўртоқ Тен) физкультура коллективлари ўртасида мусобақалар жуда кам ўтказилади, спорт турлари бўйича секциялар ҳеч қандай ташкилий ва тарбиявий ишларни олиб бормаётир.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, область физкультура ва спорт комитети йирик саноат корхоналари, колхоз ва совхозлардаги физкультура коллективларини уёқда турсин, район комитетларига ҳам ҳар доим оператив равишда ёрдам кўрсатмаётир. Комитет ўзининг раҳбарлик фаолиятида ҳали канцелярячилик ва қоғозбозлик иш методларига батамом барҳам бергани йўқ.

Ёшлар ва студентларнинг Бутуниттифоқ ва жаҳон фестивалига тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда физкультура коллективларининг ўз фаолиятларини активлаштирмоқдалар, кўплаб ёшлар спорт машғулотларига жалб этилмоқда. Спорт иншоотлари қуриш ойлигига қатнашиб, область ёшлари ўнларча спорт майдончалари, стадионлар ва спорт заллари барпо этдилар. Фестивалдан кейин ҳам ишни бўшаштириб юбормай, физкультура коллективларининг активлигини ҳар томонлама ошириш керак.

Шу йил кузда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг спартакиадаси ўтказилади. Бу, Ўзбекистон, жумладан областимиз спортчилари учун жиддий синов бўлади. Орденли республикамиз спартакиадада ғолиб чиқиши учун ҳозирданоқ тайёргарлик ишларини ҳар томонлама кучайтириб юбориш зарур. Ёзги спорт мавсуми бошланган дастлабки кунларданоқ саноат корхоналари, колхоз, совхоз, МТС ва ўқув юртларидаги физкультура коллективлари спорт секцияларида ўқув-тренировка ишларини планли равишда олиб бориб, спорт турлари бўйича ўтказиладиган ўзаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиш учун курашни қизитиб юборишлари керак. Шундай қилинганда, бу республикамиз спортчилари бўлажак фестивалда ҳам, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида спартакиадасида ҳам муваффақиятга эриша олишлари мумкин.

Янги мавсумда физкультурачилар ҳаракатини кенг кўламда ривожлантириб, спортни ҳақиқий оммавий машғулотга айлантириш учун кураш — муҳим вазифадир.

Н. ЖАЛОЛОВ,
Тошкент область физкультура ва спорт комитетининг раиси.

Тошкентда кутубхоначилар курсини тамомлаган ўртоқ С. Қаюмова ҳозир Юқори Чирчиқ районидаги Арғанчи қишлоқ Совети ҳузуридаги кутубхонада ишламоқда. Кутубхонада сиёсий, бадиий ва қишлоқ хўжалигига доир икки мингдан ортиқ турли китоб бор. **Суратда: С. Қаюмова** китобхонларга китоб бермоқда.

В. Салов фотоси.

Қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар

«Средазхиммаш» заводининг ишчи-ёшларидан уюшган 300 кишидан ортиқ бадиий ҳаваскорлар ёшлар ва студентларнинг Москвада бўладиган VI жаҳон ҳамда Бутуниттифоқ фестивалини муносиб кутиб олиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Завод маданият уйининг хор, вокаль тўгаракларида ва духовой оркестри биргаликда В. Я. Водитиевский, Л. И. Видусова ва И. В. Потапов ўртоқлар раҳбарлигида фестивалга атаб катта программада концерт тайёрлаётирлар.

Хор коллективи Новиковнинг «Менинг Ватаним» қўшиғини ижро этади. Ҳаваскор ишчилардан Михаил Ярков «Шўх баян», «Каптарлар, учинг», «Содиқлик синови» кинофильмидан «Москва чироқлари»ни, Мария Кабзарь «Юлдузлар», Инна Шульгина «Сибирь кечаси», Мария Левак «Оқ акация» опереттасидан Тоня ариясини, Фролова «Карнавал кечаси» кинокомедиясидан «Яхши кайфият» қўшиғини яхши ижро этмоқдалар. Ишчи Лида Тарасова А. Толстойнинг «Рус характери» ҳикоясидан парча, Куртасов С. Олейникнинг «Танноз хоним» сатирасини бадиий ўқишни ўрганмоқда.

Ҳаваскорлар ҳозиргача завод ишчилари учун бир неча марта концерт қўйиб бердилар.

М. АҲМЕДОВ.

Тошкент ва Самарқанд студентларининг ҳамкорлиги

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг бир группа студентлари тажриба алмашиш, ЎзГУ комсомол ташкилотининг иш услубини ўрганиш мақсадида Самарқандга бордилар. Навоий номли Ўзбек давлат университетининг ректорати, партия ва комсомол ташкилотининг вакиллари тошкентлик студентларни самимий кутиб олдилар. Пединститут студентлари университетнинг факультетларида бўлдилар, комсомол ташкилотининг фаолияти ва иш услуби билан танишдилар. Доцент И. Д. Лев Самарқандда ўтказган археологик қазилмалари, у ердаги тарихий ёдгорликлар тўғрисида қизиқарли лекция ўқиб берди. Тошкентлик студентлар Самарқанддаги тарихий ёдгорликларни, тарих ва санъат музейини томоша қилдилар.

Яқинда бир группа самарқандлик студентлар Тошкентга келдилар. Низомий номли Педагогика институти вакиллари уларни қизғин кутиб олдилар. Самарқандлик студентлар Тошкент олий ўқув юртларининг, Тошкентнинг саноат корхоналари ва бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Тошкент ва Самарқанд студентлари ўртасидаги бу алоқалар ўқув-тарбия ишларини, комсомол ташкилоти ишини яхшилашга, студентлар билимини бойитишга хизмат қилади.

М. ТОШМУҲАМЕДОВ.

Механизаторларга маданий хизмат

Янгийўл районидаги 2-МТСда механизаторларга маданий хизмат кўрсатиш кун сайин яхшиланиб бормоқда. МТСда бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган. Тўгарак аъзолари МТС ишчиларига тез-тез концертлар бериб турибдилар. 400 кишилик клуб, чойхона, кутубхона, болалар боғчаси, ошхона, буфет ва магазин механизаторларга маданий-маиший хизматни яхшилаш учун қулай имкониятлар яратилганидан далолат беради.

МТС ишчилари учун турли темаларда лекциялар ўтказилмоқда. Кейинги икки ой мобайнида турли темаларда 10 дан ортиқ лекция, 18 суҳбат уюштирилди. МТС клуби бадиий фильмлар кўрсатиб турибди.

М. ЭРСОЛИЕВ, А. ИМОМОВ.

Суратда: Ўрта Чирчиқ районидаги Чернишевский номли 2- ўрта мактабнинг 8- синф ўқувчиларидан **Алла Қожужко** ва **Элмира Асанова** янги журнални кўздан кечирмоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

Суратда: Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхозининг бир группа аъзолари иш вақтидан сўнг республикамизнинг илғор пахтакорлари учун берилаётган концертни раднодан тингламоқдалар.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхозларда медицина пунктлари

Йилдан-йилга колхозчиларнинг бўлинмас фондларидаги маблағлари кўпайиб бормоқда. Шунинг натижасида кўпчилик колхозларда соғлиқни сақлаш масаласи правлениеда муҳокама қилиниб, колхозчилар учун янги медицина пунктлари қурилянти, туғруқхоналар янгидан жиҳозланмоқда.

Калинин районидаги «XVIII партсъезд» колхозида 2 хонали яхши жиҳозланган, электрлаштирилган колхоз медицина пункти курилди. Колхозчилар ўз вақтида медицина ёрдами олмоқдалар. Шунингдек, Охунбобоев номли колхоз правлениеси қуриб берган колхоз туғруқхонаси аҳолига хизмат қилмоқда. «Октябрь самараси», Маленков номли, Собир Раҳимов номли колхоз правлениелари ҳам медицина пункти учун алоҳида жой ажратиб, уларни зарур асбоблар билан таъминладилар.

Район соғлиқни сақлаш бўлими колхозлар ташаббусини қувватлаб, даволаш муассасаларини медицина ходимлари билан таъминлаш, уларни зарур асбоблар билан жиҳозлашда яқиндан ёрдам бермоқда.

О. ТУРҒУНОВ.

Маданият хроникаси

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими мактабгача ёшдаги болаларни тарбияловчиларнинг малакасини ошириш учун бир ойлик курс ташкил этди. Курсга тарбиячилардан 80 киши иштирок этди. Малакали тарбиячилар курсда қатнашганларга турли темаларда лекциялар ўқидилар. Мактаб-интернатга экскурсиялар ҳам уюштирилди.

Қ. Саидалиева.

* * *

Сирдарё районидаги Сталин номли колхозда янги касалхона ишга тушди. Касалхона ҳамма асбоб-ускуналар билан таъминланган. Ўтган йили медицина институтини муваффақият билан тугатган врач ўртоқ С. Мирсандов ҳалол меҳнати билан колхозчилар ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Т. Ҳайдаров.

Маданият хроникаси

Чирчиқ шаҳрида радио тармоғи кенгайиб бормоқда. Ҳозир шаҳарда 9 мингга яқин репродуктор ишлаб турибди. Шаҳарда ва унинг атрофидаги Бўстонлиқ районида, Троицк посёлкаси ва бошқа жойларда янгидан 750 радиоўчка ўрнатилди.

Т. Сиҳарулидзе.

* * *

Вревск станциясидаги механизация мактабини 210 киши битириб чиқди. Улар ўрнига келган бўлажак механизаторлар учун ҳамма зарур шароитлар яратиб берилган. Уларга турли қишлоқ хўжалик машиналарининг қисмлари, уларнинг ишлаш принциплари қунт билан ўргатилмоқда. Шу мактабни битириб чиққан механизаторларнинг кўпи республикамизнинг турли қишлоқларида, МТС ва совхозларида ишламоқдалар.

А. Абдураҳмонов.

Бадиий ҳаваскорлар концерти

Тошкентдаги 11-ҳунар мактабининг бадиий ҳаваскорлар коллективи Бутуниттифоқ ёшлар фестивалига зўр қизиқиш билан тайёрланмоқда.

Яқинда ҳунар мактабининг ҳаваскорлари мактаб клубида рангбаранг программада ўқувчиларга концерт қўйиб бердилар.

Ҳаваскорлардан Зоя Парфенова, Лора Бржезицкая рус халқ қўшиқларини, Саломат Абдураҳимова, Анора Исмоиловалар ҳоразм халқ ўйинларини ижро этдилар. Концертдан сўнг ёзувчи Паустовскийнинг «Северянка» деган пьесаси кўрсатилди. Асосий ролларни М. Йўлдошев, Ю. Сергеев, В. Науменко, А. Барановскийлар моҳирлик билан ўйнадилар.

Т. ФЗАЛОВ.

Санъаткорлар колхозда

Яқинда Чиноз районидаги Оржоникидзе номли колхоз клубида Ўзбекистон Давлат филармонияси ашула ва рақс ансамблининг катта концерти бўлди. Концертда филармония солистлари Тоштемир Шарипов, Қундуз Миркаримова, Учқун Ғаниев, филармония бадиий раҳбари Дони Зокиров, Петросова ва бошқалар қатнашдилар.

Тоштемир Шарипов ижро этган «Янги ерликларга», Холисхон Қодирова ижро этган «Қаландарим», «Қашқар жувонлари», «Яллама ёрим, яллама!» ашулалари, Учқун Ғаниев ижро этган ўйғурча ўйинлар колхозчиларга манзур бўлди.

Ҳ. МУСУРМОНҚУЛОВ. Э. ЖОНИҚУЛОВ.

Намунали кутубхона

Қорасув районининг марказий кутубхонаси китобхоналарнинг севимли жойига айланган. Кутубхонада совет ва чет эл ёзувчилари, рус классик ёзувчиларининг кўпгина асарлари бор. Китобхонлар сони кун сайин кўпаймоқда. Ҳозир уларнинг сони 600 кишига етди.

Кутубхонанинг китоб фонди янгидан бойиб чиқарилаётган турли хил сиёсий ва бадиий адабиётлар ҳисобига бойиб бормоқда.

Ҳозир кутубхонада 16.000 дан ортиқ китоб бор.

Китобхонлар ўзбек халқ достонлари, «Ҳинд эртаклари», Макаренконинг «Педагогик поэма»си ҳамда А. Гайдарнинг «Танланган асарлари»ни, айниқса, севиб ўқимоқдалар.

Н. ТОЖИБОЕВ.

Ҳисор тоғ тизмаларида

Ҳозир шаҳар ва қишлоқларимизда баҳор нафаси кезиб юрибди. Аммо бир неча минг метр баландликка бўй чўзган Ҳисор тоғ тизмаларида қаҳратон қиш. Бу ерда қор уюмлари орасида зўрға кўзга чалинадиган кичкинагина уйчадан бошқа бинони ҳам, кишиларни ҳам учратмайсиз. Бу уйча Мингчўгур метериология станциясидир. Йилнинг ноябрь ойидан май ойигача станцияга олиб келадиган йўллар берк бўлади. Доим қор билан қопланган, зим-зиё бу тоғликда тўрт киши — станция бошлиги Александр Катков, радист-кузатувчилар Б. Литвинов ва эр-хотин Нелле Ўртоқлар яшайдилар.

Станцияда жуда иш кўп, зерикиб қолишга ҳам вақт йўқ. Улар обҳавонинг ҳолатини кузатиб, тўплаган маълумотларини ҳар суткада 11 марта Тошкентга радио орқали бериб турадилар. Бундан ташқари, денгиз сатҳидан 3500 метр баландликдаги қорнинг қалинлик даражасини аниқлаб турадилар.

Бу станция ходимлари тўғрисида давлат яхши ғамхўрлик қилмоқда: ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари етарли. Улар бўш вақтларида турли адабиётларни ўқиб, ўз билим доираларини кенгайтирадилар.

Н. ТОШКАНБОЕВ.

Индонезия таассуротлари

Яқинда Узсовпрофнинг мажлислар залида Совет Иттифоқи касаба союз делегацияси составида Индонезия республикасига бориб келган қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ходимлари касаба союзи Ўзбекистон комитетининг раиси ўртоқ Абдуллаев республика комитети ходимлари йиғилишида сафар таассуротлари ҳақида сўзлаб берди.

Ўртоқ Абдуллаев Индонезия меҳнаткашлари совет делегацияси аъзоларини ҳамма ерда зўр хурсандчилик билан кутиб олганликлари, дўстлик туйғуларини изҳор қилганликлари, мамлакатдаги касаба союзлар лидерлари билан қизғин учрашувлар бўлганлиги ҳамда Жакарта, Бандунг, Богор шаҳарларининг тарихий ёдгорликлари тўғрисида муфассал гапирди. Делегацияни Индонезия коммунистик партияси марказий комитетининг бош секретари Ўртоқ Айдит қабул қилган.

Суҳбат охирида «Индонезия бўйлаб» номли ҳужжатли фильм кўрсатилди.

Т. ЗУФАРОВ.

12 бўри ва 11 тулки ўлдирилди

Октябрь районидаги Киров номли колхознинг чорва моллари ва паррандаларига бўри ҳамда тулкилар тез-тез шикаст етказиб турарди. Колхознинг тажрибали овчиларидан Я. Мустафоев, С. Узаиров ўртоқлар шу бўри ва тулкиларни отиб ўлдиришга аҳд қилдилар.

Чорва моллари ва паррандалар тунайдиган жойларкинг атрофига бир неча қопқон қўйдилар. Узлари эса пистирмага ўтириб олиб, йиртқичларнинг йўлини пойлашди.

Шундай қилиб, моҳир овчилар қисқа вақт ичида 12 бўри ва 11 тулкини отиб ўлдирдилар.

«Заготживсирё» бу овчиларни пул ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлади.

А. ЖАЛОЛОВ.

Тошкент Октябрь районидаги маданият уйининг тикув ва бичув тўгарагини яқинда бир қанча хотин-қизлар битирди. Тўгарак аъзолари ўзлари тиккан буюмлардан ёшлар фестивалига виставка ташкил этиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. **Суратда:** тўгарак раҳбари **Ж. Эшмуҳамедова** (чапдан) ва тўгарак аъзоси **М. Абдуллаева** виставкага тайёрланмоқдалар.

Ш. Жаҳонгиров фотоси.

Спорт хроникаси

◆ Тошкент трамвай депосининг клубида трамвай -троллейбус трести биринчилиги учун стол тенниси бўйича ўтказилаётган мусобақа тамом бўлди. Вагон-ремонт заводининг ишчиси Ўртоқ Р. Абдуҳолиқов ҳамма ўйинда голиб чиқиб, стол тенниси бўйича трест чемпиони номини олди.

◆ «Буревестник» спорт жамияти Тошкентда республика биринчилиги учун хотинқиз шахматчилар мусобақасини ўтказмоқда. Тўққизинчи турдан сўнг биринчи разрядли шахматчи Ўртоқ Э. Ильязова олдинда борянти. У 7 очкога эга. Мусобақа давом этмоқда.

Тошкентдаги Гоголь номли 55- ўрта мактабда физкультура ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. **Суратда:** мактаб спортчи ёшлари волейбол бўйича тренировка қилаётирлар.

Г. Кацаринис фотоси.

ҲОДИСА

Қалбаки харидорлар

Икки харидор аёл Тошкентнинг Ленин кўчасидаги 16-ўз-ўзига хизмат қилиш магазинига ҳадеб кириб-чиқаверадилар. Улар магазинда кўп ҳам ҳаялламай, оладиган нарсаси йўқ кишидай дарров чиқиб кетаверадилар. Магазин контролёри Ўртоқ Розенталь шубҳаланиб, аёлларни кузата бошлайди: аёллардан бири яна магазинга кирди, у полкадан олган пакетни корзинкага эмас, пальтосининг ёқа чўнтагига урди. Ана шу йўл билан улар кун бўйи анчагина озиқ-овқат маҳсулотини ташиб кетибдилар.

Ўғирлик устида қўлга тушган ҳар икки аёлдан конфет, печенье, консерва, ароқ, колбаса маҳсулотлари топилди. Бу қалбаки харидорлар — К. Т. Петрова ва В. Жирновалар ҳеч қаерда ишламас ва яқинда ўғирлик қилганликлари учун камалиб чиққан эканлар.

Қалбаки харидорлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Қардошларча дўстлик шартномаси

(Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги совет-болгар шартномасининг 9 йиллиги муносабати билан)

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги ҳаётбахш қардошлик шартномасининг имзоланганлигига эртага тўққиз йил тўлади.

Бу шартнома халоскор улуғ рус халқига, Совет Иттифоқининг барча халқларига нисбатан болгар халқи қалбидаги қардошларча муҳаббат, ҳурмат ва миннатдорчилик туйғуларининг давлат-ҳуқуқий ифодасидир. Тарихнинг оғир синовлари ҳам, халқларимизнинг ёвуз душманлари ҳам бу туйғуларни йўқ қила олмади.

Халқларимизнинг душманлари энг макрли восита ва методларни қўллаб, икки халқнинг дўстлигини бузиб юборишга кўп уриндилар. Болгария 1878 йилда Россия томонидан биринчи марта озод қилингандан сўнгги даврда герман империализмининг подшо саройида ўрнашиб олган агентураси ҳамда Ғарбий Европа капиталига боғлиқ бўлган бир гуруҳ йирик савдогарлар ва фабрикантлар бу икки давлат ўртасидаги муносабатларга доғ тушириш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилдилар. Болгария 1944 йилда Совет Армияси томонидан иккинчи марта озод қилингандан сўнг эса халқларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг муваффақият билан ривожланишига, бузилмас болгар-совет дўстлигига ҳеч нарса халақит қилолмайдиган бўлиб қолди.

Бизнинг халқимиз Совет Армиясининг ҳал қилувчи ёрдами билан Болгарияни гитлерчилар оккупациясидан озод қилиб, монархиячи-фашистлар ҳокимиятини тугатиши биланоқ Ватан фронти ҳукумати сулҳ тузди ҳамда мамлакатни ҳалокатдан қутқариб қолди. Халқ Болгарияси бизга ёрдам қўлини чўзган улуғ Совет Иттифоқи билан савдо шартномаси тузди.

Бизнинг мамлакатимиз билан сулҳ шартномаси имзоланганидан кейин ҳам империалист бўрилар ўз хўжалигини тиклаш билан, тинч қурилиш иши билан банд бўлган болгар халқига таҳдид қилишдан тўхтамадилар. Улар тормор қилинган болгар буржуазияси ва бошқа реакцион унсурларнинг қолдиқларини уюштирдилар, иғволар ва диверсиялар қилдилар, халқ ҳокимияти асосларини қўпориш, ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини тугатиш, Болгарияни сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйиш ва уни империалистик мақсад ва режаларни амалга ошириш қуролига айлантириш учун катта воситаларни ва кучларни ишга солдилар. Халқаро реакциянинг планларини барбод қилиш, душманларнинг зарбасини қайтариш, мамлакатнинг озодлиги ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун Ватан фронти ҳукумати Совет Иттифоқи ҳукумати билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузди.

Бу тарихий шартнома тенглик ҳамда миллий мустақиллик ва давлат суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш принципларига асосланган шартномадир. Бу — ишонч билан социализм ва коммунизм қуриш йўлига тушиб олган иккита мустақил, тенг ҳуқуқли қардош мамлакат ўртасидаги шартнома намунасидир.

Болгар-совет шартномаси Ватан фронти ҳукуматининг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамлади ва оширди ҳамда ёш халқ демократияси республикасининг ички ишларига аралашиш тўғрисида империалистлар қилган хаёлларни пучга чиқарди.

Мисрга қарши агрессия ва Венгрияда бўлиб ўтган контрреволюцион исён империалистларнинг аламзадалигини ва сурбетлигини яққол кўрсатди. Бу воқиалар айни вақтда Болгария Халқ Республикасининг миллий мустақиллиги ва давлат суверенитетини сақлашда ва ҳимоя қилишда, Балкан ярим оролида ва бутун Европада тинчликни сақлашда болгар-совет шартномасининг роли жуда катта эканлигини яна бир марта таъкидлаб кўрсатди.

Болгария жуда катта совет ёрдами туфайлигина қолоқ деҳқончилик мамлакатидан илғор индустриал-деҳқончилик мамлакатига айланди, ўз оғир саноатини тез суръатлар билан барпо қилмоқда. Жуда қисқа тарихий муддат мобайнида — халқ ҳокимияти шароитидаги 12 йил ичида — Болгариянинг бутун саноат маҳсулоти 6,5 марта кўпайди, оғир саноат маҳсулоти эса 1939 йилдагига нисбатан 10 марта кўпайди.

Ленин номидаги металлургия заводи, Сталин номидаги химия комбинати, Карл Маркс номидаги сода заводи, Киржалидаги кўргошин-руҳ заводи, пенициллин заводи, С. Кражиев номидаги целлюлоза заводи, иккита авторемонт заводи ва бошқа корхоналар совет мутахассисларининг ёрдами билан қурилди, янги усуллар билан жиҳозланди ҳамда эксплуатацияга топширилди. Ўнлаб электростанция ва йирик гидротехника иншоотлари — Сталин номидаги, А. Стамболий номидаги, Г. Димитров номидаги, «Студена» сув омборлари, бир қанча йирик суғориш системалари қурилиши тўғрисида ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришда ҳам жиддий муваффақиятларга эришилди. Ҳозир кооператив деҳқончилик хўжаликлари мамлакатда экиладиган барча экин майдонининг 80 процентига эгадирлар. Трактор паркининг ўсганлиги ҳамда бир қанча агротехника тадбирлари қўлланилганлиги натижасида деҳқончилик экинларининг ҳосили ўсди. Ҳозир Болгария кооперативлари далаларида 24 мингга яқин трактор (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) ишлаб турибди. 1957 йилда тракторлар сони 26 мингга етказилади.

Совет ёрдами шаклан миллий, мазмунан социалистик янги болгар маданиятини барпо қилиш ишида ҳам катта роль ўйнамоқда. Улуғ рус халқининг маданияти мамлакатимизнинг маданий тараққиётида ҳамма вақт катта ва етакчи ролни ўйнаб келди. Россия болгар халқи учун ҳамма вақт унинг иккинчи ватани, рус тили эса унинг иккинчи она тили бўлиб келди. Ўтмишда бўлганидек, ҳозир ҳам болгар маданиятининг тараққиётини рус, совет маданияти томонидан кўрсатилган ёрдамсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сўнгги 12 йил мобайнида (1957 йил охиригача) республикада қарийб 5 минг номдаги совет китоби болгар тилига таржима қилинганлигини ва 35 миллион нусха нашр қилинганлигини кўрсатиб ўтиш кифоядир. Кўплаб совет олимлари, ёзувчилари, артистлари, мусиқачилари, рассомлари мамлакатимизга меҳмон бўлиб келмоқдалар ҳамда болгариялик фан арбобларига янги социалистик маданиятни барпо қилишда ёрдам бермоқдалар. Ўз навбатида минглаб болгариялик маданият арбоблари Совет Иттифоқида меҳмон бўлдилар.

Шу йил февралда Москвада ўтган ва икки ҳукумат ва икки партиянинг ҳозирги халқаро аҳволнинг барча муҳим масалаларига, совет-болгар муносабатларига, шунингдек марксизм-ленинизмнинг энг муҳим принципларига қарашлари тўла равишда бир хил эканлигини ёрқин намойиш қилиб кўрсатган музокаралардан сўнг Москвадан қайтиб келган болгар делегацияси гоят катта қувонч ва тантана билан кутиб олинди.

СССРдан қайтиб келган делегацияни Болгариянинг меҳнат аҳли қувонч билан қизғин табрикласа жуда арзигудек эди. Москвада болгар ва совет халқларининг мустаҳкам, монолит бирлиги ва жипслигини, уларнинг социалистик мамлакатларимиз иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида бир-бирларига бегараз қардошлик ёрдами беришга яқдиллик билан рози бўлганликларини тасдиқловчи ҳужжатлар имзоланган эди.

* * *

Социалистик мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари чексиз равишда доим намоён бўлиб турибди. Буларнинг ҳаммаси 1948 йил 18 мартда имзоланган ва бизга икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва болгар-совет дўстлигини мустаҳкамлаш учун бепоён перспективалар очиб берган болгар-совет шартномасига таянади. Ҳар бир жонли маҳлуқ учун қўёш ва ҳаво қандай зарур бўлса, деган эди Георгий Димитров, биз учун ҳам бу дўстлик шундай зарурдир.

Иван СЕСТРИМСКИЙ.

София шаҳри.

Колхоз ёрдам кассаси

Оржоникидзе район, Хрушчев номли колхоз ҳузуридаги ёрдам кассаси йилдан-йилга бойиб, колхозчиларга яхши хизмат қилмоқда. Ҳозир кассанинг 1350 та аъзоси бор. Улардан 1956 йилда 80 минг сўм аъзолик взноси йиғилди. Ёрдам қассасига колхознинг 1956 йилги даромади ҳисобидан 150 минг сўм ўтказилди. Кассанинг пул маблағи 495 минг сўмга, ғалласи эса 35 тоннага етди.

Ёрдам кассаси кейинги йилларда колхозидаги қариялларга, ёрдамга муҳтож оилаларга, вақтинча ишга яроқсиз бўлиб қолганларга катта ёрдам кўрсатди. 60 кишига доимий равишда ойига 80 сўмдан 150 сўмгача пенсия бериб турилади, уларга дон билан ҳам ёрдам қилинади. Пенсионерларнинг сони 1957 йилда 150 кишига етказилади. 1956 йилда вақтинча ишга яроқсиз бўлиб қолганлардан 40 кишига 10 минг сўмдан кўпроқ ёрдам пули берилиб, 6 кишига 300 килограмм дон берилди. Бу йил ёрдамга муҳтож бўлган колхозчилардан 100 кишига ёрдам қилиш планлаштирилди. 12 киши марказий, 20 киши эса маҳаллий курортларга юборилади. Бундан ташқари, ҳечкими бўлмаган кексаларни доим озиқ-овқат билан таъмин этиш учун 20 кишилик махсус меҳмонхона ташкил қилинди ва қимматбаҳо буюмлар билан безатилди. Яқинда бу меҳмонхона ишга туширилади.

А. ЗАРГАРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Радиоузел нормал ишласин"

Юқоридаги сарлавҳа билан газетанинг шу йил 6 февраль сонида чиққан материалда Қуйи Чирчиқ районидаги «Звезда» колхозининг Охунбобоев участкаси радиоузелидаги тартибсизликлар танқид қилинган эди. Радиотехник Ўртоқ Кулик хоҳласа ишга келар, хоҳламаса келмас эди. Шунинг натижасида колхозчилар кундалик янгиликларни эшитишдан маҳрум бўлганлар.

Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетидан редакциямизга хабар қилишларича, текширишда газетада келтирилган фактлар тасдиқланган. Радиоузелнинг иши тартибга солинган, мавжуд 98 радио точкадан 60 таси нормал ишлай бошлаган. Столба йўқлигидан ва сим тортилмаганидан 38 та радио точкаси ишламай турибди. Уларни ишга тушириш учун чоралар кўрилмоқда.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/III да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Ганг дарёсининг қизи**, 19/III да **Ҳожи афанди уйланади.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/III да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Лайли ва Мажнун**, 19/III да **Евгений Онегин.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/III да кундуз **Муқимий**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра**, 18/III да **Сурмахон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — йиртқич ҳайвонларни биринчи бўлиб ўргатувчи рус устаси, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Н. П. Гладильщиков** гастроллари, **«Етти қувноқ» қизиқчилар группаси** гастролларининг давоми (янги программада), **чавандозлар, дорбозлар.** Бугун 3 марта тамоша кўрсатилади (кундуз 1, 4 ва кеч 8 да).

ПАХТАКОР СТАДИОНИДА — 17/III кеч соат 5 да **«Пахтакор» (Тошкент) билан Молотов шаҳар командалари** ўртасида **футбол.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Штормдан кейин**, кеч соат 9 да кенг экранли фильм **Пролог.**

НАВОИЙ номли —кундуз **Тарих сабоғи**, кечқурун **Штормдан кейин.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Штормдан кейин.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136 Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048 Маҳаллий ахборот бўлими 135 Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.